

ШАРТНОМА №20027
Жорий таъмираш ишларини амалга ошириш бўйича

2022 йил «13» май

Бешариқ шахар.

Икки томонлама хўжалик муносабатларини ифодаловчи мазкур шартнома Ўзбекистон Республикаси Қонунчилиги ҳамда ўз Низомига асосан фаолият юритувчи **Бешариқ туман Халқ таълими бўлими** номидан раҳбар **В.Абдурахмонов** (келгусида «Буюртмачи» деб аталади) биринчи томондан ва ўз Низоми асосида иш юритувчи **«BESHARIQ IDEAL» МЧЖ** (кейинги ўринларда «Пудратчи» деб аталади) номидан раҳбар **А.Атохонов** иккинчи томондан, мазкур шартномани қуидаги ишларни бажариш учун туздилар:

1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ.

1.1. «Пудратчи» мазкур шартнома шартларига асосан: Бешариқ туман халқ таълими бўлими тасарруфидаги 38-умумтальим мактаби биносини жорий таъмираш ишларини лойиха-смета хужжатларида назарда тутилган тартибда бажариш мажбуриятини олади, «Буюртмачи» эса бажарилган ишларни белгиланган тартибда қабул қилиб олиб, тўловларни амалга оширади.

2. ШАРТНОМА БАХОСИ.

2.1. Мазкур шартнома бўйича «Пудратчи» томонидан бажариладиган таъмираш ишлари киймати лойиха-смета хужжатларига асосан барча соликлар, йифимлар ва ажратмаларни ўз ичига олган холда жами **254,000,000 (икки юз эллик тўрт миллион)** КҶСли сўмни ташкил этади

2.2. Зарурий асослар мавжуд бўлганда «Буюртмачи» ва «Пудратчи»нинг келишувига асосан мазкур шартномага қушимча битим расмийлаштирилиши мумкин.

3. ХИСОБ-КИТОБ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

3.1. «Пудратчи» томонидан таъмираш ишлари тулиқ бажарилгандан сўнг, ўзаро солиштирув далолатномаларига асосан, бажарилган ишлари киймати учун «Буюртмачи» пул ўтказиш йули билан тўловни амалга оширади.

3.2. «Буюртмачи» олдиндан шартнома умумий суммасини **30 %** миқдорида аванс тўловини «Пудратчи» хисоб рақамига ўтказиб беради. Кейинги хисоб-китоблар хақиқатда бажарилган ишлар хажмига караб, аванс маблағларини хисобга олган холда амалга оширилади.

4. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ ТАРТИБИ ВА МУДДАТЛАРИ.

4.1. «Буюртмачи» томонидан олдиндан тulos амалга оширилган кундан бошлаб 5 кун муддат ичида «Пудратчи» томонидан таъмираш ишлари бошланиши шарт. Бажарилиши лозим бўлган ишлар 2022 йил 25 декабрь кунига кадар тўлиқ якунланиши керак.

4.2. «Пудратчи» бажариладиган ишларни амалдаги қурилиш қоидалари ва меъёрлари талабларига мувофик бўлишини ва сифатли бажарилишини таъминлайди.

4.3. «Пудратчи» ишларнинг бажарилишини техника хавфсизлиги, меҳнат муҳофазаси ва ёнгин хавфсизлиги талабларига риоя килган холда амалга оширади.

5. ТОМОНЛАРНИ ХУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ.

5.1. «Пудратчи» мазкур шартномада назарда тутилган таъмираш ишларини тулиқ хажмда ва белгиланган муддатларда бажариш мажбуриятини олади.

5.2. «Буюртмачи» таъмираш ишлари жараёнида бажарилаётган ишларни лойиха-смета хужжатларига мослигини ва сифатини назорат қилиб боради.

5.3. «Буюртмачи» томонидан «Пудратчи»га таъмираш ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиб берилади ва бажарилган ишлар буйича тузилган Шакл-2 далолатномаларини қабул қилиб олади.

5.4. Бажарилган ишларда камчилик ва нуқсонлар аниқланган тақдирда, «Буюртмачи» томонидан далолатнома расмийлаштирилади ва **10** кун муддатда «Пудратчи»га хабар юборилади. «Пудратчи» томонидан ушбу аниқланган камчилик ва нуқсонлар ўз маблаги ва ўз кучи билан **10** кун давомида бартараф этилади.

6. ЖАРИМАЛАРНИ ҚЎЛЛАНИЛИШИ.

6.1. Томонлардан бири шартнома шартларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айборд томон иккинчи томонга етказилган зарарни тўлиқ коплайди.

6.2. Агар «Пудратчи» томонидан бажарилиши лозим бўлган таъмираш белгиланган муддатларида бошланмаса ва якунланмаса, «Пудратчи» бажарилмаган ишлар кийматини **0.5%** миқдорида ҳар бир муддати ўтган кун учун «Буюртмачи»га жарима тўлайди, лекин бунда жариманинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар кийматини **50%** дан ошмаслиги керак.

6.3. «Пудратчи» томонидан таъмираш ишлари белгиланган муддатларда якунлангандан кейин «Буюртмачи» томонидан тўловлар ўз муддатида амалга оширилмаса тўланмаган суммани **0.4%** миқдорида ҳар бир муддати ўтган кун учун «Пудратчи»га жарима тўлайди, лекин бунда жариманинг умумий суммаси ўтказиб берилмаган маблаглар суммасини **50%** дан ошмаслиги керак.

6.4. Жарималар тўланиши «Пудратчи»ни шартномада белгиланган мажбуриятларини бажаришдан озод этмайди.

7. ФОРС-МАЖОР ХОЛАТЛАРИ.

7.1. Агар ушбу шартнома буйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ходисалари, уруш, оммавий тартибсизликлар ва бошқа енгib бўлмас куч холатлари натижасида келиб чиқса, томонлар жавобгарликдан озод этиладилар.

8. ҚЎШИМЧА ШАРТЛАР.

8.1. Ушбу шартномани бажариш, ўзгаририш ва уни бекор қилишда пайдо бўладиган низолар энг аввало тарафларнинг келишуви билан хал қилинади. Ўзаро келишилмаса хўжалик суди ва Ўзбекистон Республикаси амалдаги конунлар тартибда хал қилинади.

8.2. Шартнома тарафларнинг ўзаро келишувига асосан ёки Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига хамда амалдаги қонун хужжатлари нормаларига биноан келтирилган зарарни тўлаған холда муддатидан илгари бекор килиш мумкин.

8.3. Ушбу шартномани амал килиш муддати 2022 йил 25 декабргача. Шартнома икки томонлама имзоланиб, газначилик бошқармаси (бўлим)дан рўйхатдан ўтказилганидан сўнг қонуний кучга киради.

8.4. Шартнома имзоланган кундан 25 апрел кундаги 17188-сонли шартнома ўз кучини йўкотади.

9. ТОМОНЛАРНИ ХУКУКИЙ МАНЗИЛИ ВА РЕКВИЗИТЛАРИ

«Пудратчи»

«BESHARIQ IDEAL» МЧЖ

(етказиб берувчининг (пудратчининг) номи)
Манзил: Бешариқ шахар, Олтин Водий кўчаси
Тел./факс +99897 503-60-88
(х/в ёки шfx) 20208000705058860001

Банк номи АТ «Халқбанк» Бешариқ филиали
МФО: 00797 СТИР: 306338285
ИФУТ _____



Рахбар
(лавозими)
М.У.

А.Атохонов
(Ф.И.О.)

«Буюртмачи»

Бешарик тумани халк таълим булими

(буюртмаши номи)
Манзил: Бешарик тумани Дустлик кучаси № 8
Тел./факс 61-21-245
шfx* 100022860302157092100075059

Ташкилотнинг СТИРи 200155197
ОКОНХ 96300

Газначилик бўлинмасининг номи:
Бешарик туман буйича Газначилик булинмаси
ЯФХ 23 402 000 300 100 001 010

Банк номи: Марказий банкнинг Тошкент шаҳар
Бош бошқармаси Ҳисоб-китоб-касса маркази (ҲККМ)
МФО:00014

Газначилик бўлинмасининг СТИРи: 201122919

раҳбари
(лавозими)
М.Ў.



В.Абдурахмонов
(Ф.И.О.)



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ADLIYA VAZIRLIGI
FARG'ONA VILOYAT ADLIYA BOSHQARMASI
BESHARIQ TUMAN YURIDIK XIZMAT KO'RSATISH MARKAZI

150300, Beshariq tumani, Oltin Vodiy ko'chasi, 46-uy, tel.: (998 73) 612 21 19,
www.farg'ona.adliya.uz, el.pochta: beshariq.t-yurmarkaz@adliya.uz

13.05.2022 yil

Beshariq tuman
xalq ta'lif bo'limi

XULOSA

(xalq ta'lif bo'limining
shartnoma loyihasiga)

1. Loyihaning turi: Shartnoma.

2. Loyhaning nomi: Qurilish ta'mirlash ishlarini bajarish bo'yicha shartnoma.

3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot: Beshariq tuman xalq ta'lif bo'limi tomonidan 2022 yil 11 may kuni ishlab chiqilib, shu kuni markazga taqdim qilingan.

4. Loyiha bo'yicha taklif: Beshariq tuman xalq ta'lif bo'limi hamda "BESHARIQ IDEAL" ma'suliyati cheklangan jamiyati o'rtasida Qurilish ta'mirlash ishlarini bajarish bo'yicha №20027-sonli shartnoma loyihasi amaldagi qonunchilikka muvofiqligi o'rganib chiqildi.

Shartnoma loyihasi O'zbekiston Respublikasining 1998 yil 29 avgustdag'i "Xo'jalik yurituvchi subyektlar faoliyayining shartnomaviy-huquqiy bazasi to'g'risida"gi 670-I-sonli Qonunining 10-moddasi (Xo'jalik shartnomasiga nisbatan qoyiladigan talablar)ga muvofiq ishlab chiqilgan.

Beshariq tuman xalq ta'lif bo'limi binosini ta'mirlash xizmati (smeta ekspertiza xulosasiga asosan e'longa joylashtirilgan) O'zbekiston Respublikasining 2021 yil 22-apreldagi "Davlat xaridlari tugrisida"gi 684-sonli Qonuni hamda O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2018 yil 26 mayda №3016-son bilan ro'yhatdan o'tkazilgan "Xarid qilish tartib-taomillarini tashkil etish va o'tkazish tartibi to'g'risida"gi nizom va O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2021 yil 02-iyuldag'i PQ-5171-sonli Davlat xaridlari shaffofligini ta'mirlash va samaradorligini oshirishga doir qo'shimcha chora tadbirlar to'grisidagi qarorini ijrosini ta'mirlash maqsadida Respublika tovar hom-ashyo birjasining **xarid.uz** saytidagi xalq ta'lif bo'limining shaxsiy kabineti orqali **80439 lot** raqami bilan 2022 yil 11 may kuni e'lon joylashtirilgan.

Shartnoma loyihasiga Beshariq tuman xalq ta'lif bo'limi 2022 yil 11 may kungi 2022 yilda ajratilgan mablag'lardan oqilona va samarali foydalanish hamda tovarlar, ish, xizmatlarni bajarish maqsadidagi tanlov komissiyasining yig'ilish

bayoni, **80439** lot raqamli e'lon bo'yicha takliflar va bajaruvchining tadbirkorlik guvohnomalari ilova qilingan.

Yuqoridagilarni inobatga olib, huquqiy ekspertizadan o'tkazish natijalariga ko'ra:

XULOSA

Beshariq tuman xalq ta'lif bo'limi tomonidan taqdim etilgan "BESHARIQ IDEAL" ma'suliyati cheklangan jamiyati o'rtaida tuman XTB qaramog'idagi 38-sonli maktab binoasini joriy ta'mirlash xizmati bo'yicha №20027-sonli shartnomalar loyihasi amaldagi qonunchilikka muvofiq hisoblanadi.

**Beshariq tuman YuXKM
bosh yuriskonsulti**



X.Abdurafiqov